



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 185 (11.496)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

2200
2009
ТОШКЕНТ

БИР КУНИ



Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганлигининг барчамиз гувоҳи бўлаётимиз. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Миллий дастур — амалда

Ўқувчиларга муносиб туҳфа

Жумладан, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг 180 ўринли кўшимча замонавий ўқув биносининг қад ростлагани янги ўқув йилида ўқувчи ва ўқувчиларга муносиб совға бўлди. «Шарқ Темур» қурилиш ташкилоти томонидан бунёд этилган мазкур уч қаватдан иборат замонавий ўқув биносидан асосан умумтаълим фанлари — химия, физика, биология, чет тили хоналари мавжуд бўлиб, замон талаблари даражасидаги ўқув жихозлари билан таъминланган.

Барча шарт-шароитлар яратилган, шинам ва ёруғ хоналарда таълим олиш қавадар қувончи албатта, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Муҳаббат Пирназарова. — Бу, албатта ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлиб воя-

га етишлари йўлида амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар самарасидир. Маълумки, бугунги кунда чет тилларини мукамал ўрганишга қизиқаётган ёшлар йил сайин ортиб бормоқда. Юнусобод академик лицейида ҳам ўқувчилар асосан шарқ тиллари — япон, корейс, хитой, ҳинд, форс, турк ва инглиз тиллари бўйича таълим оладилар. Лицейда 70 га яқин тажрибали ўқитувчи педагоглар ўқувчиларга умумтаълим фанлари ҳамда чет тилларидан таълим олишнинг қўлини қўйиб, Шунингдек, ўқувчиларимиз япон-ўзбек марказида япон тилидан ўқазилган нотиклик санъати бўйича республика

миқёсида ўқазилган танловда ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан ўқазилган араб тили бўйича ўқазилган танловда иштирок этиб, муносиб ўринларга сазовор бўлганлар. Лицейда пухта билим эгаллаган ўқувчиларимиз ҳозирги кунда Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Давлат жоматлари ҳамда Тошкент Давлат педагогика университетида тахсил олишмоқда.

Дарҳақиқат, келажакимиз бўлган ёшларнинг ҳар томонлама билимли, Ватанга содиқ, маънан етук ва баркамол инсон бўлиб камолга етишларида барпо этилаётган бу каби замонавий таълим масканларининг ўрни беқийс, албатта.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг янги ўқув биносидан лавҳалар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Нефть ва газ конларини қидириб топиш, қазиб олиш ва мавжуд конларни ишга туширишга ихтисослашган таниқли «Тетис Петролеум Лтд.» Буюк Британия — Канада компанияси ўзининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Бу узоқ йиллардан буён дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан МДХ мамлакатларида нефть ва газ соҳасида ишлаб келаётган компания тарихида илгари бўлмагани билан эътиборли ҳисобланади.

БРИТАНИЯ КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШДАН МАНФААТДОР

Ўзбекистондаги Шимолий Ўртабўлоқ нефть қонида олиб борилган бир неча ойлик ишлардан сўнг компания уни модернизациялаш эвазига ишлаб чиқаришнинг мавжуд суръатини оширишга эришиши ва келгусида янги технологиялар жалб этилганда қазиб олишни янада кўпайтириш мумкин, деган хулосага келди.

— Ўзбекистонда ишлаётганимизга унча кўп вақт бўлмаганига қарамай, мамлакатингизнинг ҳамкорлик нуктаи назаридан ниҳоятда истиқболли эканини кўрмоқдамиз, — дейди «Тетис Петролеум Лтд.» компанияси раиси, президенти ва бош ижрочи директори доктор Дэвид Робсон. — Буни, биринчидан, мамлакатда барча тадбиркорлик фаолияти учун улкан аҳамиятга эга бўлган узоқни кўра биладиган сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги. Иккинчидан, келажакка ишонч, ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакат иқтисодиёти ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини намойиш қилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистондаги Шимолий Ўртабўлоқ нефть қонида олиб борилган бир неча ойлик ишлардан сўнг компания уни модернизациялаш эвазига ишлаб чиқаришнинг мавжуд суръатини оширишга эришиши ва келгусида янги технологиялар жалб этилганда қазиб олишни янада кўпайтириш мумкин, деган хулосага келди.

Директорлар кенгаши йиғилиши чоғида келгуси ривожланиш стратегияси, жумладан, Ўзбекистонда хом ашё базасини кенгайтириш ва геологик-қидирув ишларини олиб бориш масаласини кўриб чиқиш таклифи этилмоқда. «Тетис Петролеум Лтд.» ўзбекистонлик ҳамкорларига нафақат замонавий технологиялар, ноёб билим ва тажриба, балки янги сармояларни таклиф этишга тайёр.

Шунингдек мамлакат, унинг салоҳияти ва имкониятлари билан чуқурроқ танишиш мўлжалланган. Директорлар кенгаши таркибида ушбу соҳага юқори даражада ихтисослашган мутахассислар, менежерлар ва сиёсий арбоблар бор.

Умид қиламизки, Директорлар кенгашининг Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган йиллик йиғилиши стратегик истиқболли ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини белгилаб олиш имкониятини беради, — дея ўз мулоҳазаларини яқунлайди доктор Дэвид Робсон.

«Жаҳон» АА,
Лондон

Қарор ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАФРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда.

Хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чоратадбирлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётир. Қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ва кеңиримлик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдиримасига асосан шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси доирасида бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Гулистон шаҳридаги «Сарбонтекс» Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган 20 турдан зиёд тиббиёт маҳсулотларига хорижий давлатлардан буюртмалар кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона аҳли томонидан 257 минг АҚШ долларлик маҳсулот қатор хорижий давлатларга экспорт қилинди.

● Марғилон шаҳридаги «Гулистон» маҳалласида 36 нафар ёш оилага мўлжалланган тўрт қаватли замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

● Сурхондарё вилояти Олтинсой туманининг тоғли Катта Вахшивор қишлоғида улуғ аллома Сўфи Оллоёр ҳазратларига эҳтиром сифатида макбара бунёд этилмоқда.

● Қашқадарё вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоасининг изланишлари натижасида йирик корхоналарда, шунингдек, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда содир бўладиган катта ёнғинларни бартараф этишга мўлжалланган кўпikli ёнғин ўчириш қурилмаси иштирокида «Шўртангаз» унитар шўъба корхонасида синовдан ўтказилган янги қурилма ўзининг ўта қулайлигини яна бир бор исботлади.

● Пахтакор тумани марказида Ўзбекистон — Италия — Хитой кўшма корхонаси бунёд этилиб, янги замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мазкур корхонада кўш камералик музлаткич, «Мунга» русумли телевизор ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

● Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари томонидан полиз эканлари экишда ерга алоҳида ишлов берувчи махсус агрегат яратилди. Бир вақтнинг ўзида мазкур агрегат билан ерга уруғ қадаш, тупроқ қатламини юмшатиш ва сугориш учун жўяқ олиш жараёнлари бажарилиши мумкин.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг шимоли-ғарбидаги Клеве шаҳри яқинида иккита юк кемаси тўқнашиб кетиши оқибатида фалокат содир бўлиб, 25 тонна дизель ёнилғиси Рейн дарёсига тўкилиб кетгани айтилмоқда. Кемалардан бири Германияга, иккинчиси эса Нидерландияга тегишли бўлган. Ҳалокат сабаблари ўрганилиб, воқеа жойида сувни тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

● Осиёнинг йирик авиакомпанияларидан бири бўлган «Japan Airlines» президенти Харука Нишиматсунинг билдиришича, яқин вақт ичида жамоанинг 6800 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинади. Бундан ташқари компания маъмурияти жорий йилнинг октябрида инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш борасида музокаралар ўтказишни кўзда тутишмоқда.

● «France-Presse» тарқатган хабарига кўра, атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЕ аъзолари ташкилотнинг Венада бўлиб ўтган бош конференциясида япониялик дипломат Юкия Аманони бош директорликка бир овоздан тасдиқладилар. У 1997 йилдан буён мазкур ташкилотга раҳбарлик қилаётган Муҳаммад-ал Бараденинг ўрнини эгаллайди.

● Норвегияда ўтказилган парламент сайловларининг якуний натижалари эълон қилинди. Сайлов бюллетенларининг 99,4 фоизи ҳисоблаб кўрилган, мамлакат бош вазири Йенс Столтенберг бошқарувидаги партия ғалабага эришгани маълум бўлди.

● Лубянада Словения бош вазири Борут Пахор ва Хорватия бош вазири Ядранка Косорлар учрашишди. Икки ҳукумат раҳбарлари бир қанча масалаларда яқдил эканликларини билдиришган бўлсада, аммо чегара масаласида келиша олмади.

● Тайван маъмуриятининг собиқ бошлиги Чень Шуйбянь ва унинг турмуш ўртоғи У Шучжень куни кеча суд ҳукмига асосан бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Улар порахўрлик ва миллионлаб долларни ўзлаштирилганликда айбланмоқда.

● Испания полицияси 11 йилдан буён Интерпол томонидан қидирилаётган жиноятчи — 33 ёшли Украина фуқароси Олег Еремеевни Канар оролларида қўлга олди. У Крим бош вазири ўринбосари Александр Сафонцевни ўлдиришда айбланиб қидирилаётган эди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Ўзко-помарказ»да «InterMedPharm — 2009» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси, «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТЕ — 2009» ҳамда «Текстиль ва Моде-Textile Expo Uzbekistan — 2009» Марказий Осиё халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани Давлат солиқ инспекциясида соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда пластик карточкадан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 85-мактабда Республика ўқувчилар саройи ҳамкорлигида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида уюштирилган мусикий-бадий кеча ёшларда миллий маънавиятни шакллантиришда мусикий тарбиянинг аҳамиятига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари, тўғарлар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Нурли келажакка элтувчи го» деб номланди.

Ушбу мавзу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар, олий ўқув юрталари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати давомида кенг муҳокама қилинди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида барча фаолият соҳаларига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тизим яратилди. Шу билан бирга бугунги, шиддатли давр ушбу тизимни ҳам доимий такомиллаштириб боришни тақозо этаётди. Бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга, албатта. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозимки, қабул қилинган ҳар бир қонун ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосини ташкил этса, уларнинг мажмуаси энг олий мақсадимизга — барпо этилаётган кучли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори бўлиб хизмат қилаётди.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, қонунлар қабул қилиниши — бу асосий ишимизнинг фақат бир бўлаги. Энг муҳими — қонунларнинг ижросини таъминлаш, амалда ифодасини топишига эришишдир. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ ҳар бир фуқаро миллати, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодидан қатъий назар, ўз ҳаёти мисолида унинг манфаатлари, эркинликлари ва ҳуқуқлари барча нарсадан устун эканлигини ва қонун билан қафолатланганлигини ҳис эта билмоғи лозим.

Тадбирда қайд этиб ўтилганидек, қонун ижодкорлиги қонунчиликни таъминлашга йўналтирилган фаолият билан улуғси ва тизимли равишда олиб борилади. Ушбу вазифа биринчи галда давлат идоралари, уларнинг барча бўғинлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг зиммасидаги масъулиятдир.

Албатта, қонунлар таъсирчанлигини таъминлаш деганда, биринчи навбатда уларни кенг тарғиб этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш тушунилади. Шу нуқтаи назардан айниқса таълим соҳасида ижобий ишлар

амалга оширилмоқда. Мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарида алоҳида ҳуқуқий дастурлар жорий этилган. Мазкур тизимда «Сиз қонунни биласизми?» шиори остида ҳуқуқшунос ва соҳа вакилла-

давлат ҳокимияти органлари томонидан жойларда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали ташкил қилиниши билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимдир.

Долзарб мавзу

**ҚОНУНЧИЛИК
ТАЪМИНЛАНИШИГА БАРЧА
МАСЪУЛ**

ри томонидан аъъанавий ўтказиб келинаётган мавзунинг кўрик-танловлар ҳам ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда таъсирчан кучга эга бўлиб бораётди. Тошкент давлат юридик институти қошида ташкил этилган юридик клиникаси ҳам эътиборга лойиқдир.

— Янги маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Қонунчилик таъминлашига эса, дарҳақиқат, ҳар бир давлат идораси, ҳар бир мансабдор шахс масъул. Қолаверса, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ижроси — ҳар бир тизим, ҳар бир бўғиннинг кун тартибидидаги доимий масаладир, — дейди Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Шухрат Файзиев. — Бу борада давлат идоралари, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, уларнинг тузилмалари томонидан тегишли ишлар қилинмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислох эътишининг муваффақияти ҳам, шубҳасиз, барчамизнинг олдимизда турган муҳим вазифа. Бу борада маҳаллий

Давра суҳбати кун тартибидан мазкур тизимда амалга оширилаётган ишлар мисолида мавзу кенг муҳокама қилиниши бежиз эмас. Биринчи галда тажриба алмашувини йўлга қўйишимиз лозим. Шу асосда таъсирчанликка эришиш мақсадида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш керак, баъзи тузилмаларда масъулиятни ошириш талаб этилади. Ушбу масалада кўпчилик фикрини, тақлифларини ўрганиш эса умуман қилинаётган ишларимиз самарадорлигига хизмат қилади, янги-янги қонунлар яратиш, зарурат бўлса, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга туртки бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу — маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан қонун ҳужжатларини жойларга етказиш, ижросини таъминлаш, тизимлаштириш, тарғиб қилиш ишларини ўрганган ҳолда, тегишли вазирлик, давлат қўмиталари ва муассасалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари ҳамкорлигида мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш ва шу тариқа қонунларни ижро этиш механизмларини такомиллаш-

тириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Тадбир давомида бир неча бор қайд этиб ўтилганидек, маҳаллий ҳокимият идоралари қонун ижодкорлиги ва қонунчилик ижроси ўртасида муҳим бўғин ҳисобланади. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан бу борада ҳокимликлар ва уларнинг вакиллик органларининг қонун ижросини таъминлашга доир фаолияти жойида ўрганил-

га кўра, ушбу соҳа идоралари учун махсус ҳуқуқий адабиётлар негизини тўлиқ шакллантириш талаб этилади. Давра суҳбатида бу борада Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда алоҳида йўналишлар бўйича қўлланмалар яратилиши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Соҳага оид барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган бундай тўплам китоблар, жумладан, солиқ ва адвокатур вакиллари учун нашрдан чиққан. Тадбир иштирокчилари томонидан ҳокимликлар ва уларнинг тузилмалари ўртасида яхлит компьютер тармоғини яратиш ва айнан ушбу тармоқ орқали янги қонунлар мунтазам тарқатилишини таъминлаш, республика давлат бошқарув органлари ва уларнинг жойлардаги тузилмалари, шунингдек маҳаллий давлат ижроси идораларини Интернет тизимидаги қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳисобланган «Lex.uz» сайтига улаиш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, қонунларнинг электрон нусхаларини қўйи тузилмаларга юбориш тизимини жорий этиш, бу борада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Lex.uz» маълумотлар негизидан имтиёзли фойдаланиш хизматларини ташкил этиш хусусида тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Биргина маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига доир 90 дан зиёд қонун ҳужжатлари амалда ўз ифодасини топган. Тадбир якунида институт томонидан тайёрланган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари» китобининг тақдимоти ўтказилди. Ушбу китобда давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами, бевосита ҳокимларга дахлдор қонунлар схематик-чизмалари ифодаси, асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли лугати берилган. Шунингдек, маҳаллий ижроия идораларига оид давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари кенг жой олган. Мазкур қўлланма барча ҳокимликларга тарқатилиши кўзда тутилмоқда.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**ИНСОНПАРВАРЛИК
ВА БАҒРИКЕНГЛИК
НАМУНАСИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Халимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига биноан қабул қилинган ушбу Қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари депутатлар корпусининг мазкур амнистия акти қўлланилиши жараёнида очик-ошкоралик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита иштирокчини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Бу борада сенаторлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлари тузилмоқда. Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоат назоратининг ташкил этилаётгани жамиятнинг демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири кучаяётганидан далолатдир.

Йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди. Жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашиши юзасидан тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросининг изчил таъминлашига оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Н.АБДУРАЙИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Иқтисодиёт

ЯНГИ ЦЕХ ОЧИЛАДИ

Маҳсулотнинг бозорбоп ва харидоригир турларини кўпайтириш, буюртмаларни сифатли адо этиш, халқаро андозалар даражасидаги товарларни тайёрлашни йўлга қўйиш бугунги бозор иқтисодиётининг асосий талаблари сирасига киради.

«Тошкент подшпниклар заводи» масъулияти чекланган жамиятида ҳам изланишлар самара бериб, кейинги йилларда бир қанча импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари чиқарилди. Бундай маҳсулотлардан, яъни корхонада тайёрланаётган подшпниклар ва бошқа бутловчи эҳтиёт қисмлардан халқ ҳўжалигининг кўпга тармоқларида кенг қўлланилмоқда ҳамда самараси яққол сезилмоқда. Боиси четдан келтирилган худди шундай эҳтиёт қисмларидан асло қолишмайди корхона товарлари арзон ҳамда сифатлидир. Айниқса, улар кўпга кишлоқ ҳўжалигини ишларида кенг фойдаланиладиган техника воситаларини таъмирлашда, яъни ишлашни таъминлашда қўл келмоқда. «Алтай» трактори, «Кейс» комбайни ана шундай техникалар жумласидандир.

Корхона жамоаси маҳаллийлаштириш дастурига ўз ҳиссасини қўшишга интиломда ва импорт ўрнини босувчи товарларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида корхона мутасаддилари янги цех очилиши режалаштиришган. Замонавий технологик линия ўрнатилиши кўзда тутилган ушбу цехда малакали ходимлар маҳорати билан автомобиллар учун бутловчи қисмлари ҳам тайёрланади. Албатта, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратишга эришилади.

**ҲАМКОРЛИК
КЕНГАЙМОҚДА**

Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашиш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш тадбиркорларимизга ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, ҳам ички, ҳам ташқи бозорга мос рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда қўл келмоқда.

Сифатли маҳсулотлар билан харидорларни жалб этаётган «BARCINOY» хусусий корхонасининг иш бошлаганига 15 йилдан ортди. Утган йиллар мобайнида жамоада ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробарга ортиб, маҳсулот турлари кўпайди. Ҳозирги кунда 90 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада бир йиллик айланма маблағ ҳажми 600 миллион сўмдан зиёдни ташкил этмоқда.

Корхонада асосан трикотаж кийим-кечаклар, бўз ва чит маҳсулотлари, қоғоз-ғалтак, пар кўрпа ишлаб чиқарилади ҳамда матоларга турли ранглар бериш ҳам амалга оширилади. Тадбиркорлар Россия, Туркия, Германия сингари хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Маҳсулотлари ички бозорда харидорини топиш баробарида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтиришга интилаётган корхона тадбиркорлари Украинани давлатида «Савдо уйи» очишга саъй-ҳаракатни бошлаб юборишган. Албатта, йил охиригача бир неча янги ишчи ўринлари яратилиб, ёшларни иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Манзура ХОЖИАКБАРОВА

Бугунги кунда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк орқали айланишини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ҳукуматимиз олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Қарор ва ижро

ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Шу мақсадда мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 6 апрелда «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилинганлиги айни мuddао бўлди. Бу албатта, нафақат жойлардаги тегишли ташкилотларга, балки солиқ идоралари зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият юкляди.

Шаҳримизнинг Яқкасарой туман Давлат солиқ идоралари ходимлари ҳам ўтган вақт мобайнида мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида худудда мунтазам равишда кенг қўламли ишлар олиб бориб семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Мана шу ишларнинг самараси натижасида худудимизда фаолият кўрсатаётган ҳўжалик юритувчи субъектларда 210 тизан ортқк терминаллар ўрнатишга эришилди, — дейди биз билан суҳбатда туман ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Сайдиқаримов. — Шу боис ҳам аҳолидан тушадиган пул маблағлари банк орқали айланиши таъминлана бошлади. Бу эса ўз навбатида, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва бюджет тизимида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг ойлик маош ва нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш имкониятини берибгина қолмай, худудимизда нақд пул қадрсизланиши олдини олишга пухта замин яратмоқда.

Бундан ташқари мазкур қарорнинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида туман ДСИ қошида «Ишонч телефон»лари ҳам ташкил этилган бўлиб, жойлардаги савдо ва хизмат кўрсатувчиларнинг пластик карточкалар бўйича юзага келаётган ҳар қандай муаммолари шу жойнинг ўзида ҳал этиб беришмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида нақд пул билан пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш тизими ўртасида тафовутлар барҳам топишига хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



«НАФИС» ПОЙАБЗАЛЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз корхоналарида юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган. Янги ташкил этилаётган корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва мавжудларини модернизациялаш мақсадида биололар ва ер участкалари ажратилмоқда. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материалларни хориждан олиб келиш боғжона тўловларидан озод этилган.

Яратилган бундай қўлайлик ва имтиёзлар корхоналарнинг изчил ривожланишига хизмат қилаётди. Пойтахтимиздаги «Нафис» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси — улардан бири. Корхонада йилга пойабзалнинг 350-400 модель-нусхаси яратилади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада маҳсулотлар харидор талаби ва бозор эҳтиёжи ўрганилгандан сўнг ишлаб чиқаришга жорий этилади. 40 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоа 2008 йилни 33 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Жорий йилнинг ўтган даврида эса бу кўрсаткич 17 миллион сўмни ташкил этди. Утган йилнинг ку-

зидан корхона қошида фирма дўкони фаолият кўрсата бошлагани мижозлар талабини ўрганишга хизмат қилаётди. Табиий теридан тайёрланган, экологик тоза, юқори сифатли оёқ кийимлар нисбатан арзон нарҳда сотилаётди. Пойабзалларнинг товон қисми қачуқ асосида тайёрланаётгани уларнинг чидамлигини таъминламоқда.

Давлатимиз томонидан берилётган имтиёзлар корхонани техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш, янги ишчи ўринлари очиш имкониятини кенгайтирмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёрамизда ичак касалликлари тобора кўпайиб бормоқда. Бунга санитария-гигиена талабларига тўла риоя этмаслик, тоза ичимлик суви етишмаслиги, экологик омиллар асосий сабаб бўлаётир.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Пойтахтимизда ичак касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги технологияларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Германиянинг "Solvay pharma" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда педиатр, гастроэнтеролог, гинеколог, хирург, умумий амалиёт ва юқумли касалликлар шифокорлари ҳамда Россиядан келган мутахассислар иштирок этди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар юқумли касалликлар кафедраси мудири Гулнора Ибодованинг айтишича, мамлакатимиз тиббиёт муассасалари бактериологик, иммунофермент, полимер занжирли реакция сингари замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлангани бу хасталикларни даволаш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ) томонидан тавсия этилган ичак касалликларини даволашнинг илгор усуллари — антибактериал терапия ва орал регидратациянинг янги технологияларини ўзлаштириш бўйича самарали илмий-амалий изланишлар олиб борилади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимларининг ўткир диареяни даволашда дизбактериоз ҳолатни коррекциялаш, бундай хасталикни кўзга тушириш инфекцияларнинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, вирусларнинг антибиотикларга сезгирларини ўрганишга йўналтирилган илмий лойиҳалари бунга мисолдир.

Илмий-амалий семинарда ана шу йўналишдаги жаҳон тиббиёти тажрибаси ва мамлакатимиз илм-фани ютуқлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ўткир ичак касалликларининг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари, соғлом оналик ва болаликни тарғиб этиш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тинланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ЯНГИ ЛУФАТЛАР МУТАХАССИСЛАРГА КЎМАКЛАШАДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Unicon.uz» давлат унитар корхонаси атамашунослик ва луфатлар хизмати жамоаси учта ихтисослаштирилган луфат устиди олиб борган ишини якунлади. Луфатлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида чоп этилди.

Ахборот технологияларининг операцион тизимларига доир атамаларнинг рус-инглиз-ўзбек тилларидаги изоҳли луфати нашр этилди. Луфат таркибига ахборот технологияларининг турли соҳаларига оид 2000 та атама киритилган бўлиб, у кенг доирадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган. У операцион тизимлар ва муҳитлар, фойдаланувчининг график интерфейси, тармоқлар ва Интернетнинг техник воситалари ҳамда намунавий дастурий таъминоти, маълумотлар базаси ва маълумот базаларини бошқариш субъекти, дастурлаш тиллари ва муҳитлари, мультимедия-технологиялар каби бўлимларни қамраб олган.

"Unicon.uz" маркази мутахассисларининг таъкидлашича,

атамашунослик луфатини яратишдан мақсад — давлат тилини турли операцион тизимлар ўрнатилган компьютерларда қўллашдир. Бугунги кунда нафақат атамаларнинг ўзбек тилидаги тўғри ва аниқ муқобилини топиш, балки уларни бир маънода изоҳлаш зарурияти туғилмоқда.

Луфат Ўзбекистонда фойдаланувчилар сонининг ўсишига ҳамда мамлакатда ахборот-коммуникация технологиялари тарқатишга хизмат қилади. Қўлланма барча тизим фойдаланувчилари, ўқитувчилар, таржимонлар, ўргатувчи дастурчилар ва тизим администраторлари учун фойдали бўлади.

Бугунги кунда ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, ноаниқ ахборотнинг тарқалиши,

ахборот тизимлари меъёрий фаолиятининг улар таркибига "компьютер вируслари" киритилиши сабабли бузилиши муаммолари, айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Уларни ҳал этишга нашр этилган иккинчи, ахборот хавфсизлигига доир атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луфати ёрдам беради.

Ушбу илмий иш ахборот хавфсизлиги соҳасида мавжуд бўлган атамаларни бирлаштиришдаги илк қадамдир. Луфат "Unicon.uz" атамашунослик ва луфатлар хизмати ҳамда Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари марказининг изланишлари махсусидир. У алоҳида тартибда жойлаштирилган 1400 терминни ўз ичига олади. Луфатда атамалар ва тушунчалар рус ва ўзбек тилларида изоҳлан-

ган, ушбу атамаларнинг инглиз тилидаги муқобили акс эттирилган.

Луфат ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, талабалар ва аспирантлар ҳамда ахборот хавфсизлиги муаммолари билан қизиқувчилар учун фойдали қўлланмадир.

Учинчи китоб электр таъминоти атамаларининг русча-ўзбекча изоҳли луфатидир. У соҳага оид дарслик ва ўқув қўлланмалари мультимедия ҳамда телекоммуникация тизимларини энергия билан таъминлаш бўйича мутахассислар учун мўлжалланган.

Янги луфатларга соҳа мутахассислари қизиқиш билдирмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ



Мен ўз шахсий автомашинам билан аҳолига пуллик хизмат кўрсатаман. Рўзгоримни шу орқали тебратаман. Яқинда суд қарори томонидан машина бошқариш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум қилиндим. Бу муддатни қисқартириш мумкинми?

Ш.Арзиев,
Бектемир тумани

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 343-моддасига кўра, муайян муддатта транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс — меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўлланган маъмурий ишлар бўйича суд қорона, муассаса ва ташкилот маъмуриятининг илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.

Бунинг учун белгиланган муддатнинг камида ярми ўтган бўлиши керак. Бунга мувофиқ айтиш мумкинки, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган муддатнинг ярми ўтганидан кейин, сиз қарашли бўлган ташкилот маъмурияти илтимоси билан судга muroжаат этишлари керак бўлади.

Маълум муддат давомида ишга қобилиятсиз бўлган кишиларга уларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, нафақа белгилаши мумкинми?

Д.Нодирова,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 285-моддасига мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги ҳолларда: касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, оиласининг бетоб бўлиб қолган аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, касаллик туфайли даволанаётганда ва протез қилинганда меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганда меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан тўланади. Бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий сугуртаси бадалларини тўлаган муддатига ҳамда умумий иш стажига ва қарамогидида воёга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда тўланиши белгиланган. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги керак.

Ушбу саволларга ҳуқуқшунос Нигора БҮРИХАДЖАЕВА жавоб берди

Алимент тўлаш тугатилиши ҳам мумкинми, мумкин бўлса қандай ҳолларда алимент ундириш ҳақидаги суд қарори бекор қилинади?

Р.Содиқова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодексининг 147-моддасига мувофиқ, алимент тўлаш тўғрисидаги қарорда белгиланган алимент мажбуриятлари баъзи ҳолатларда, белгиланган ва назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугатилиши мумкин.

Жумладан: — бола воёга етганда ёки воёга етмасдан туриб, тўла муомала лаёқатига эга бўлганда...

Шунингдек, — фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда ҳамда

— суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмаб қолган, — деб топилганда...

— меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр, ёки хотин янги никоҳга кирганда...

— алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда...

Ана шундай ҳолатларда суд тартибда ундирилган алимент тўлаш тугатилади. Алимент тўлашнинг тугатилиши ҳам суд тартибда амалга оширилади.

Қонунчилигимизда "воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида жамхўрлик қилишга мажбурлиги", — белгиланган. Агар фарзанд ўғай бўлса-чи?

Т. Ашуоров,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодексининг 128-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўғай ота ва ўғай онанинг ота-онаси, эри ёки хотиннинг воёга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти улар тарбиялаган ўғил ва қизларга юклатилиши мумкин.

Агар у ўғил ва қизни ўғай ота ва ўғай она беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминот берган бўлса, шунингдек, улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўғил ва қизни ўғай ота ва ўғай онасига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

Шунингдек, «Оила» кодексининг 126-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож, эри ёки хотини ёки воёга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай мажбурият васийлик-ҳомийликда турган шахслар зиммасига юклатилмайди.

Суд тарбияда бўлганлари, агар улар тарбиячиларнинг тарбияси ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятдан озод қилиши мумкин.

Ушбу саволларга ҳуқуқшунос Саида МАКСУДОВА жавоб берди

Давлатимиз мустақилликка эришган илк кунларданок Юртбошимиз ташаббуси билан оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, маънавиятни юксалтириш, шунингдек ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада энди турмуш қураётган ёшларга мазкур ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга эришиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув семинарлари, суҳбат ва урчуллар ўтказиш йўлга қўйилган.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 18 июнда «Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий чора-тадбирлар режасининг 4-бандига мувофиқ Идораларо ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилди ва унинг ижроси бўйича жойларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида боланинг ногирон туғилиши ёки уч-тўрт йил ичида унда ирсий касалликларнинг намоеён бўлиши, бир оилада бир неча бола умрбод шундай оғир хасталиқларга чалиниб қолиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, аёлини ҳомиладорлик даврида турли стресс ҳолатлардан, ҳомилага салбий таъсир этиши мумкин бўлган алкоголь ичимликлари, никотин, гиёҳвандлик моддаларидан, меҳнатнинг айрим турларидан, турли вирусли ва юқумли касалликлардан, сурункали дардларнинг хуруж қилишидан, таносил ва аёллар хасталиқларидан, овқатланиш, дам олиш, ухлаш режимиининг бузилишидан, ҳомиладорликнинг кечиси-

га салбий таъсир этувчи айрим дори-дармонлардан сақланиши тавсия этилмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Оила маросимлари марказимиз ходимлари маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида «Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш туғма ва ирсий касалликлар манбаидир» мавзусида кенг тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Унда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг

сида тузилган никоҳдан ногирон фарзандлар туғилиши эҳтимоли кўпроқ.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг II бўлими, 16-моддасига асосланиб, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишга ва ўғай ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги, ака-ука ва опа-сингиллар, яъни ёнлама қариндошлар фарзандларининг ўзаро никоҳга киришлари, шунингдек, болаларни эмизиш туфайли вужудга келган сут қариндошлар, яъни кўрақдошларнинг ҳам никоҳ тузишлари мақсадга мувофиқ эмаслиги тушунтирилмоқда.

Шу билан биргаликда, амалдаги янги оила қонунчилигида ака-ука ва опа-сингиллар фарзандларининг никоҳланиши ҳам тақиқланганлиги, чунки ҳозирги замон генетикасининг ютуғи ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбул бўлиб, ногирон фарзандлар туғилиши хавфи кўпلىги мисоллар орқали келтирилиб уларга етказишга ҳаракат қилинмоқда. Агар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолларга амал қилсак, соғлом оила — авлод баркамоллиги, қолаверса, халқимиз келажагини соғломлаштириши таъминлаймиз.

Турмуш қураётган ёшларнинг соғлом бўлиши қурилайтган оила пой-деворининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам турмуш қуришдан олдин тиббий қўриқдан, албатта ўтиш зарур. Агар касаллик аниқланса, уни вақтида, тўйдан илгари даволатиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, келажақда соғлом фарзанд кўришга замин яратди.

Умида ЯХШИЛКОВА,
Оила маросимлари маркази
2-тоифали инспектори

Интиланганга — толе ёр ШОДИЁНА КУНЛАР БЎЛСИН



Инсон ҳаётида, албатта бахтли лаҳзалар, унутилмас кунлар бўлади. Ана шундай тантаналардан саналган тўй шодиёнаси — икки ёшнинг никоҳ оқшоми ҳаётингизда бир умр муҳрланиб қолади.

Шу боис ҳам уни кўнгулдагидек ўтказиш, дилдаги эзгу ниятларни амалга ошириш нафақат умр ришталарини боғлаётган йигит-қизнинг, балки фарзандлари қамолддан қалби қувончага тўлган ота-онанинг орузисидир. Тўй дастурхонининг файли, келин-куёвнинг чиройли ва эътиборли бўлишини ким истамайди дейсиз!

Бу борада, албатта бугунги кун талаблари даражасида хизмат кўрсатаётган тўй ва гўзаллик салонларининг муносиб ҳиссалари борки, тадбиркорлик билан иш юритаётган бундай жамоалар тантанали кунларининг файзини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтимизнинг «Сёзбор» даҳасида фаолият кўрсатаётган «ZEBINISO» салони ҳам 2004 йилда фаолият бошлаган бўлиб, юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл, ҳар томонлама яратилган шарт-шароитлар уларга қўл келди. Уларнинг асл мақсади халқимизнинг тўй ва тантаналарида, яхши кунларида хизмат кўрсатиш, оғирини енгил қилишдир.

— Корхонамизда 12 нафар малакали мутахассис меҳнат қилади, — дейди директор Умида Алоқидинова. — Мижозларимиз учун барча шароит ва қулайликларни яратиб қўйганмиз. Салонимизга ташириб буюрган ҳар бир одамни яхши қабул қилиб, фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, хизматларимизни тавсия этамиз. Ҳозирда тўрт йўналиш бўйича иш олиб бораёلمиз. Бунга келин қўйлақ ва шодиёна либослари ижараси, гўзаллик салони, фотосалон ва видеотасвирга олиш ҳамда тикув чехимиз қиради. Замонавий келин либосларини Европа давлатлари ва Туркиядан келтираемиз. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, тикув чехимизда моҳир чеварлар жамланганки, улар ёшларимизнинг истақларини инобатга олган ҳолда либосларни уларга мослаб беришда ва безатишда. Шунингдек, миллий либослар тайёрлашга ҳам эътибор қаратамиз. Энг муҳими эса барча хизматларни кўрсатишда сифатни биринчи ўринга қўямиз. Шу боис бўлса керак, буюртмаларимиз қўлайиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлар ўз изланишларини пойтахтимизда ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва кўргазмаларда намоеён этишмоқда. Яқинда «Наврўз» мажмуасида ўтказилган «Свадьба plus. UZ» шоу кўргазмасида иштирок этган жамоанинг ишлари ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Улар ўзларининг миллий ҳамда Европа услубидаги тўй ва тантана либосларини намойиш этишди.

Замон талаблари асосида иш юритаётган корхона аҳли ҳозирда яна бир нечта хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашмоқда. Янги-янги либосларни келтириб ҳамда тикиб, хизматлар сифатини оширишга интилиммоқда. Шунингдек, тикув чехини янада кенгайтириш, миллийликка эътиборни қучайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Уларнинг ниятлари: барно қизларимизнинг ҳар бирига оқ қўйлақ кийиш, сулув келинчақ бўлиш, эр йигитларимизга эса қадди расо қувё бўлиш насиб этсин. Бундай бахтли лаҳзалар эса ҳаётларида бир умр муҳрланиб қолсин.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: «Тўйларимиз файзига, келин-куёвларимиз шодлигига хисса қўшаётганимиздан хурсандимиз», дейди корхона ходими.

Ҳақимжон Солихов олган сурат

Мутахассис маслаҳати

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЕЧИКТИРМАНГ

Кутуриш — зооноз юқумли касаллик бўлиб, марказий нерв системасининг зарарланиши (энцефалит бошланиши) билан таърифланади. Одамлар кутуриш касаллигининг ит тишлаши натижасида келиб чиқишини биринчи марта Аристотель IV асрда аниқлаган.

Инфекция манбаи итлар, бўрилар, тулкилар, мушуклар ва бошқа ҳайвонлардир. Сўлакда вирус (ҳайвонларда) кутуришдан 7-10 кун олдин пайдо бўла бошлайди. Тишлаган жойга тушган вирус дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 5-10 дақиқада, қайнатилганда 2 дақиқада ҳалок бўлади.

Кутуриш ёз ва куз ойларида кўпроқ учрайди. Касалликнинг инкубацион, яъни яширин даври 1-2 ой, баъзан икки ҳафта ёки 1 йилгача узайиши мумкин. Яралган одам терисига тушган ит сўлагигада вирус нерв тоалари бўйлаб бош ва орқа миёнга тез этиб боради ва уларда кўпайиб чуқур ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. Одамни ит ёки бошқа ҳайвон тишлаганида сувдан (гидрофобия) кўрқиб борлиги, нафаснинг тартибсиз бўлиши ва вақти-вақти билан чуқур-чуқур нафас олиши кутуриш ташхиси учун жуда муҳим.

Профилактикаси — дайди ит ва мушукларни йўқотиш, аҳоли яшайдиган жойлар яқинида учрайдиган бўри ва бўрсикларни ҳам йўқ қилиш зарур.

Хонаки ит ва мушуклар доимий ветеринарий хизмати назоратида бўлиши керак. Улар вақти-вақти билан эмлаб турилади. Ит, мушук, бўри ва бошқа одамларни

тишлаган ҳайвонда кутуриш аломати пайдо бўлса, ўлдириб юборилади, текширилади.

Агар сизни ит ёки мушук тишласа:

1.Зудлик билан тишлаган жойни совун билан 10 дақиқа давомида ювиш керак.

2.Тезда яқин ерда жойлашган травмпунктига мурожаат қилиш керак.

Бу ерда яра 20 фоизли совун эритмаси билан ювилади, унинг атрофи йод билан зарарсизлантирилиб, асептик боғлам қўйилади. Вакцина билан эмлашни врач-рабиолог ёки травматолог тайинлайди. Юқорида кўрсатилган муложалар қанча тезлик билан бажарилса, кутуриш касаллиги ривожланишининг таъминан 100 фоиз олдини олиш мумкин. Кутуриш касаллигининг белгилари пайдо бўлиши билан бу касалликни даволаб бўлмайди ва ҳар доим ўлимга олиб келади.

Агар турар ва иш жойингиз атрофида дайди ит ва мушукларни кўрсангиз, дайди ҳайвонларни тутиш бригадасини 247-72-27, 233-44-44 телефон рақамлари орқали чақиринг.

Гулнора ЗОКИРОВА,

Ҳамза тумани ДСЭМ шифокор-эпидемиолог

